

Баратова Мафтуна Зафар кизи

TIQXMMI Milliy tadqiqot universitetining Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar instituti

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ЮРИТИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ

Австрия - 1985 йилдан ташкилий жиҳатдан Ер китоби ва кадастр битта ҳисобланади ва марказлашган ҳолда юритилади. Ер китоби Федерал адлия вазирлиги, кадастр эса Федерал Иқтисодий масалалар вазирлиги тасарруфидадир. Ер китоби ва кадастр Федерал Хукуматга бўйсунади. Кўчмас мулк объектларини шакиллантириш (инвентаризация, баҳолаш, кадастр суръатга олиш, юридик хужжатларни йифиш) ҳусусий геодезистлар томонидан ҳам олиб борилади. Келажақда Ер китоби ва кадастрнинг бирлиги кенг қамровли географик маълумотлар тизимини янада кенгайтириш асосида амалга ошириш тенденцияси кўзатилмоқда.

Буюкбритания - Кўчмас мулк кадастри - мулкий ҳуқуқ химояси тизимининг функциональ бирлиги сифатида мавжуд эмас. 1862 йилдан ер участкаларига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш - ер участкалари номлари Реестри амалга киритилди. Кўчмас мулкни шакллантириш (инвентаризациялаш, баҳолаш, кадастр суръатига олиш, юридик хужжатларни йифиш), ўлчашиб ишлари бўйича ҳусусий бюролар томонидан олиб борилади, улар шунингдек, кадастр юритишни ҳам амалга оширадилар. Инглиз тизими мулкий ҳуқуқнинг химоясини таъминлаш тизимида давлат аралашуви (иштироки)нинг жуда камлигининг намунасидир. Тўла қамровли ер-кадастр тизимини яратиш яқин келажақда кузатилмаяпти.

Голландия - Ер китоби ва кадастрни юритиш функциялари Уй-жой қурилиши, режалаштириш ва атроф-муҳитни химоя қилиш вазирлиги тасарруфидаги «Кадастр» хизматлари томонидан олиб борилади. Кадастрни юритиш тўлиқ автоматлаштирилган. Рўйхатдан ўтказиш ва картографик маълумотлар интеграцияланиш тенденцияси асосида амалга оширилмоқда.

Германия Федератив Республикаси - Германия тизими ташкилий жиҳатдан Ер китоби ва Ер кадастрига бўлинади. Тизим тарих давомида шундай шакилланганки, Ер китобини юритиш - ер участкасига бўлган юридик маълумотлар Реестри сифатида (мулкка муносабат, ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий ҳолатлар) Федерал адлия вазирлиги (рўйхатдан ўтказиш судлари) томонидан амалга оширилади. Ер кадастри эса - мулкни ҳақиқий ҳолатини (таркибини) исботи сифатида (бунда: номи, ҳолати, ўлчами, қурилиш иншоатлари, фойдаланиш ва бошқ.) юритилади ва Федерал ер ваколатида ҳисобланади. Кўчмас мулкни шакиллантириш ҳусусий геодезистлар томонидан ҳам амалга оширилади.

Маъмурий ва бюрократик қийинчиликлар ягона федерал тизимни ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ташкилий ва технологик жиҳатдан кадастр хизматлари ва рўйхатдан ўтказиш судларини бирлашиши ҳамда рўйхатдан ўтказишни тўлиқ компьютер технологияларига ўтиш тенденцияси кузатилмоқда.

Франция - Кўчмас мулк Реестри – кўчмас мулкни ипотекаси ва гарови картотекалари бўйича Молия вазирлиги таркибига кирувчи Асосий хукуклар ва ипотекалар реестр хизмати томонидан юритилади. Сақлаш вазифаси (обременение) бўлмаган ер участкалари рўйхатдан ўтказилмайди. Маҳаллий ҳокимият органларининг кадастр хизматлари ўлчашлар асосидаги, солик солиш учун асос бўлиб хизмат қиласидан график кадастрни юритадилар. Кадастр юритишини компьютер технологияларига ўтказиш амалга оширилмоқда, тарихан шакилланиб келган солик кадастри босқичма-босқич геоахборот тизимиға қайта шакилланиб бормоқда.

АҚШ - Тўла қамровли кадастр мавжуд эмас. Ерларни рўйхатдан ўтказиш, ўлчаш ёки маркировкалаш мажбурияти йўқ. Мулкни бошқа шахсга ўтказиш: ёзма шаклда тузилган олди-сотди тўғрисидаги мажбурият шартномаси, камида сўнгги 30 йил ичидаги ушбу мулкка бўлган хукуқни

исботлашда адвокат иштироки, тегишли ер участкаси бўйича суғурта компанияси томонидан бериладиган тарихий маълумот ва мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги Жамоа реестрига киритиладиган хужжат каби бир нечта этапларда амалга оширилади. Реестр ҳусусий суғурта компаниялари томонидан юритилади. Айрим Штатларда асосан ерларни, бино ва иншоатларни ҳисобини олиб бориш мақсадида кўчмас мулк кадастрини ташкил этиш тенденцияси кузатилмоқда.

Швейцария - Кадастр тизими иккита орган: Федерал адлия вазирлиги тасарруфидаги Ер китоби, ва кантоналар тасарруфидаги кадастр воситасида бутун мамлакат худудида бир хил шаклга келтирилган (унификацияланган). Кўчмас мулкни шакиллантириш ишлари шунингдек ҳусусий геодезистлар томонидан ҳам олиб борилади. Мавжуд тизимни Кадастр хариталаш Федерал агентлиги раҳнамолигида Ер маълумотлари ягона миллий компьютер тизимини яратиш йўли билан қайта ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Швеция - Кўчмас мулкни шакиллантириш ва унга бўлган хукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш Швеция Миллий ер хизматининг худудий органлари томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказиш тартиби тўлиқ автоматлаштирилган, ер ахборотлари ягона маълумотлар банки амал қиласи. Мазкур соҳада Швеция дунёда етакчи ҳисобланади. Хозирда компьютер тизимини ислоҳ қилиш ундан бозор структуралари томонидан (банклар, суғурта компаниялари) янада кенгроқ фойдаланишга, шунингдек ҳукуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни беришни компьютерлаштиришга қаратилган

Россия Федерацияси - «Кўчмас мулкка бўлган хукуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш» Конунига мувофиқ, кўчмас мулкка бўлган хукуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ягона давлат Реестрини яратиш ва юритиш Адлия органлари зиммасига юқлатилган. Кўчмас мулк обьектларини техник инвентаризациялаш ва давлат ҳисобини олиб бориш бир нечта ташкилот (орган)лар орқали амалга оширилади жумладан: Геодезия ва картография Федерал хизмати; Федерал ер кадастри хизмати; Курилиш ва уй-жой коммунал комплекси давлат қўмитаси.

Кўчмас мулкка бўлган хукуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш борасида Адлия муассисаси ҳамда кўчмас мулк обьектларини техник инвентаризациялаш ва давлат ҳисобини олиб борувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик борасида Хукумат қарори билан Идоралараро Кенгаш ташкил этилган. Кўчмас мулкка бўлган хукуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини босқичма-босқич ривожлантиш тўғрисида «Федерал Дастур» тасдиқланган.

Ер ва мулкий муносабатларни тартибга солиш ва ислоҳ қилиш мақсадида «Давлат ер кадастрини ҳамда кўчмас мулк обьектларини давлат ҳисобини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш мақсадли Федерал дастур тасдиқланган. Манфаатдор идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва фаолиятини мувофиқлаштириш тенденцияси юзага келган.